



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2019 йил январь ойининг 25 кунда жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья: И.А.Дониёров, судья ёрдамчиси У.Кудратовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчилари Оқдарё туман прокурори С.Юсупов ва прокурор ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи А.Мустафакулов, судланувчи Э.А.Қаршиев ва унинг ҳимоячилари Самарқанд шаҳар “Темирйўл” адвокатлар ҳайъати адвокати О.Кенжаев ва “Логика ҳуқуқ” адвокатлик фирмаси адвокати З.Очилов, судланувчи Х.Ж.Мирзаев ва унинг ҳимоячиси “Оқдарё Адолат” адвокатлик бюроси адвокати Р.Умаровларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари ва 210-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан судланувчи Қаршиев Эркин Абдувалиевич ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан судланувчи Мирзаев Хамза Журақуловичларга нисбатан бўлган №1-1411-180011/91-сонли жиноят ишини кўриб,

Судланувчи: Қаршиев Эркин Абдувалиевич (Qarshiyev Erkin Abduvaliyevich), 1959 йил 12 август куни Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, депутат эмас, партиясиз, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “А.Темур” фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси лавозимида ишлайди, Оқдарё тумани, “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “Чайжавул” қишлоғида яшайди, иш бўйича унга нисбатан 22.01.2019 йилдан “қамокқа олиш тарзида”ги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси 20.12.2018 йилда олган.

Судланувчи: Мирзаев Хамза Журақулович (Mirzayev Xamza Juraqulovich), 1984 йил 25 июнь куни Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, депутат эмас, партиясиз, оилалик, 3 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Оқдарё туман халқ таълимига қарашли 23-сонли умумтаълим мактабида география фани ўқитувчиси вазифсида ишлайди, Оқдарё тумани, “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “Чайжавул” қишлоғида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 20.12.2018 йилда олган.

Суд, мазкур жиноят ишини очик суд мажлисида кўриб, судланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилиб, жиноят иши ҳужжатларидаги далилларни таҳлил

қилиб, томонларнинг музокара сўзларини ва судланувчиларнинг охириги сўзларини тингланиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Қаршиев Эркин Абдувалиевич, 2016 йил 04 июнь кунидан “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, маҳалла фуқаролар йиғини собиқ масъул котиби судланувчи Мирзаев Хамза Журақулович ва жиноят ишининг қисми тугатилган бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, 2016 йил 1 декабрдан 2018 йил 1 июль кунигача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди, 24-банди ва 52-банди талабларини кўпол равишда бузиб, маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқароларнинг 14 ёшгача бўлган фарзандларига асосиз равишда 3 ҳолатда, яъни фуқаро Н.Нормуродованинг бир нафар фарзандига нафақа тайинлаш комиссиясининг 28.12.2016 йилги 12-сонли йиғилиш қарори асосида 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилга қадар 449.322 сўм, фуқаро М.Ҳатамованинг фарзанди учун нафақа тайинлаш комиссиясининг 28.12.2016 йилги 12-сонли йиғилиш қарори асосида 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилга қадар 898.650 сўм, фуқаро М.Джумаеванинг фарзанди учун нафақа тайинлаш комиссиясининг 28.11.2017 йилги 11-сонли йиғилиш қарорига асосан 01.12.2017 йилдан 01.06.2018 йилга қадар 718.920 сўм, жами 2.066.892 сўмлик, 2 ёшгача боласи бор оналарга 4 ҳолатда, яъни фуқаро Ш.Ёвқочеванинг фарзандига нафақа тайинлаш комиссиясининг 30.01.2017 йилги 1-сонли йиғилиш қарорига асосан 01.02.2017 йилдан 01.07.2017 йилга қадар 1.198.200 сўм, фуқаро Б.Солиеванинг фарзандига нафақа тайинлаш комиссиясининг 28.04.2017 йилги 4-сонли йиғилиш қарорига асосан 01.05.2017 йилдан 01.05.2018 йилга қадар 3.594.600 сўм, фуқаро Г.Шодиеванинг фарзандига нафақа тайинлаш комиссиясининг 30.08.2017 йилги 8-сонли йиғилиш қарорига асосан 01.09.2017 йилдан 01.12.2017 йилга қадар 898.650 сўм нафақа ҳамда фуқаро У.Эгамқулованинг фарзандига нафақа тайинлаш комиссиясининг 29.09.2017 йилги 9-сонли йиғилиш баённамасига асосан 01.10.2017 йилдан 01.05.2018 йилга қадар 344.480 сўм ҳаммаси бўлиб 7 ҳолатда 8.102.822 сўм миқдордаги нафақалар пулларини асосиз равишда тўланишига йўл қўйиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли талон-тарож қилганлар.

Бундан ташқари, судланувчи Э.А.Қаршиев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мансаб мавқеидан фойдаланиб, 2018 йилнинг апрель ойида фуқаро Ш.Тошмаматованинг бир нафар фарзандига 14 ёшга тўлгунга қадар нафақа тайинлаш эвазига пора тариқасида 100.000 сўм пул маблағини тамагирлик йўли билан унинг яшаш хонадонига бориб, Ш.Тошмаматованинг турмуш ўртоғи Б.Хасановдан олган ва фуқаро Ш.Тошмаматованинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасига қилган мурожаати асосида Департаментнинг Оқдарё туман бўлими ходимлари томонидан 2018 йил 24 сентябрь куни ўтказилган тадбир

давомида Э.А.Қаршиев фуқаро Б.Хасановдан унинг фарзандига 14 ёшга тўлгунга қадар нафақа тайинлаш эвазига пора тариқасида олган 100.000 сўм пул маблағидан 95.000 сўмини ихтиёрий равишда Ш.Тошмаматовога қайтариб бераётган вақтида далилий ашёлар билан ушланган ва мазкур ҳолат тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Қаршиев Эркин Абдувалиевич ўзининг кўрсатмасида, ўзига қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у раислик қилаётган маҳаллада ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам пулларининг тўғри тайинланиши ва тўланиши юзасидан ўтказилган текшириш давомида, 7 та ҳолатда жами бўлиб 8.102.822 сўм миқдорда нафақалар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, фуқаро Нормуродова Нодирага 2016 йил 28 декабрдаги №12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 449.322 сўм пул маблағлари, Хатамова Мохибага нафақа тайинлаш комиссиясининг 2016 йил 28 декабрдаги №12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг уч нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 898.650 сўм пул маблағлари, Джумаева Мохигулга 2017 йил 28 ноябрдаги №11-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг икки нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.12.2017 йилдан 01.06.2018 йилгача 718.920 сўм пул маблағлари жами бўлиб 3 та ҳолатда 14 ёшгача болали оилалар нафақаси 2.480.268 сўмлик нафақалар ортиқча тўланганлигини, текширув давомида, икки ёшгача боласи бор оналарга тўланадиган нафақалар ўрганилганда, фуқаро Ёвқочева Шоирага 2017 йил 30 январдаги №1-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 5 ойга, яъни 01.02.2017 йилдан 01.07.2017 йилгача 1.198.200 сўм пул маблағлари, фуқаро Солиева Бахорага 2017 йил 28 апрелдаги №4-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 12 ойга, яъни 01.05.2017 йилдан 01.05.2018 йилгача 3.449.322 сўм пул маблағлари, фуқаро Шодиева Гулхаёга 2017 йил 30 августдаги №8-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 3 ойга, яъни 01.09.2017 йилдан 01.12.2017 йилгача 898.650 сўм пул маблағлари, фуқаро Эгамқулова Умидага 29.09.2017 йилдаги № 9-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 1 ойга, яъни 2017 йил май ойида 344.480 сўм пул маблағлари ортиқча тўланиб, жами бўлиб 4 та ҳолатда 6.350.930 сўм пул маблағлари меъёридан ортиқча тўланганлигини, ҳаммаси бўлиб 7 та ҳолатда 8.102.822 сўм миқдорда нафақалар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, бу ҳолатда унинг собиқ котиб Мирзаев Хамза Жўрақулович ва бандликка кўмаклашиш маркази ходимларининг айби мавжудлигини, у ушбу нафақаларнинг айримларини, яъни Н.Нормуродова, Б.Солиева ва У.Эгамқуловаларга нафақа пуллари чиқарилишида уларнинг яқин қариндошларининг илтимосларига кўра, ўзининг лавозимидан фойдаланган ҳолда, мезондан ортиқча бўлсада, нафақа пуллари чиқарганлигини, у қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, у юқорида номлари кўрсатилган фуқароларга тайинлаган моддий ёрдам, икки ва ўн тўрт ёшгача нафақа пулларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги 44-сонли қарори талабларидан ортиқча эканлигини билган бўлсада,

бу ҳолатда унинг собиқ котиби Мирзаев Хамза Жўрақулович ва бандликка кўмаклашиш маркази ходимларининг айби мавжудлигини, у ушбу нафақаларнинг айримларини, яъни Н.Нормуродова, Б.Солиева ва У.Эгамкуловаларга нафақа пуллари чиқарилишида уларнинг яқин қариндошларининг илтимосларига кўра, ўзининг лавозимидан фойдаланган ҳолда, мезондан ортиқча бўлсада, нафақа пуллари чиқарганлигини, текшириш давомида 7 ҳолатда асосиз равишда тайинланган нафақаларни олиб келган оилалар аъзоларининг таркиби ва даромадларини МФЙ собиқ масъул котиби Х.Мирзаев томонидан ҳисоблаб чиқилганлигини, айнан шу маълумотларга асосан махсус комиссия томонидан ушбу оилаларга нафақа тайинлаш тўғрисида “оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини ўрганиш далолатнома”лари тузилиб, фуқаролар йиғини комиссиясига тақдим этилганлигини, у юқорида номлари кўрсатилган фуқароларга нафақа тайинлашда уларнинг жами даромади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги 44-сонли қарори 8-бандининг талабидан ортиқча эканлигини билганлигини, ушбу оилаларни жами даромади белгиланган мезондан ошсада, Х.Мирзаевга уларни даромадини камайтириб ҳисоблашлигини айтганлигини, бу ҳақда у, Н.Муқимова ва Х.Мирзаев билганликларини, қолган махсус комиссия аъзолари ва фуқаролар йиғини комиссия аъзолари бу ҳақда билишмаганлигини, Ш.Бурхонов, Ф.Тошев ва бошқа овоз берганларнинг бунда айби йўқлигини, чунки улар бу ҳақда хабари бўлмаганлигини, улар унинг кўрсатмасига асосан имзо қўйишганлигини, юқорида номлари кўрсатилган фуқароларнинг фарзандларига нафақа тайинлашда бирор бир манфаатдорлиги бўлмаганлигини, бундан ташқари, 2018 йил март ойида Оқдарё тумани А.Темур МФЙда бўлган вақтида маҳаллада яшовчи Тошмаматова Шахноза унга мурожаат қилиб, мурожаатида ўзининг вояга етмаган 1 нафар фарзанди учун 16 ёшгача нафақа пулини тайинлашда ёрдам беришини сўраганлигини, шунда у унга ҳужжатларини топшириб кетишини айтганлигини, шундан сўнг, унинг фарзандига 16 ёшгача нафақа пулини чиқариб беришда ёрдам беришини, апрель ойининг бошларида Ш.Тошмаматованинг яшаш хондонига бориб, унинг турмуш ўртоғидан 100.000 сўм пулларни пора тариқасида олганлигини, лекин орадан 6 ой ўтган бўлсада, нафақа чиқариш учун лимит маблағлар бўлмаганлиги сабабли Ш.Тошмаматовага нафақа пулини 6 ой давомида чиқармасдан келганлигини, Ш.Тошмаматова 2018 йил 21 сентябрь куни хизмат хонасига келиб, нафақа пулини чиқариш учун унга берган 100.000 сўм пулларни қайтариб беришни сўраганлигини, шунда унга пули йўқлигини, бошқа куни келишлигини айтганлигини, 2018 йил 24 сентябрь куни А.Темур МФЙ, хизмат хонасида бўлган вақтида Ш.Тошмаматова келиб, нафақа тайинлаш эвазига деб олган 100.000 сўмни беришини талаб қилганлиги учун ёнида бўлган 95.000 сўмини чиқариб қўлига берганлигини, шундан кейин у уни хонасида чиқиб кетганлигини, орадан кўп вақт ўтмасдан туриб, Ш.Тошмаматова билан хонасига кириб келган шахслар ўзларини хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб Департаментнинг Оқдарё туман бўлими ходимлари деб таништириб, уни фуқаро Ш.Тошмаматовадан фарзандига нафақа тайинлаш эвазига олган пулларни қайтариб берган вақтида ушланиб,

пора олганлигида гумон қилинаётганлигини билдиришганлигини, шундан сўнг Ш.Тошмаматова у унга фарзандига нафақа тайишлаш учун деб олган 100.000 сўмдан 95.000 сўм берган пулларини ёнидан чиқариб, тезкор ходимларга берганлигини, пуллар санокдан ўтказилганда 95.000 сўм эканлигини маълум бўлганлигини ва бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, у Ш.Тошмаматовага қайтариб берган 95.000 сўм пуллар ашёвий далил сифатида олинганлигини, у фуқаро Ш.Тошмаматовадан унинг фарзандига 16 ёшгача бўлган нафақа пулларни чиқариб бериш эвазига 100.000 сўм пулларни 2018 йил апрель ойида унинг яшаш хонадонидида, турмуш ўртоғи Хасанов Бахромдан олиб кетганлигини, кам таъминланган оилаларга нафақа пули ҳамда моддий ёрдам пуллари махсус комиссиянинг хулосаси асосида нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш қарорини чиқариш ваколатига эга комиссиянинг буйруғи асосида чиқарилишини, у ушбу комиссия раиси ҳисобланишини, шундан сўнг, МФЙ йиғилиш баённомаси расмийлаштирилиб, унга у ҳамда котиб имзо қўйишини, шундан сўнг, тўлов ведомости тузилиб, туман молия бўлимига топширилиши ва шунга асосан нафақа пули чиқарилишини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бошқа бу ҳолат такрорланмаслигини, ҳозирда етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини инобатга олиб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Мирзаев Хамза Журакулович ўзининг кўрсатмасида, ўзига қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у котиблик қилган А.Темур маҳаллада ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам пулларининг тўғри тайинланиши ва тўланиши юзасидан ўтказилган текшириш давомида, 7 та ҳолатда жами бўлиб 8.102.822 сўм миқдорда нафақалар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, жумладан, фуқаро Нормуродова Нодирага 2016 йил 28 декабрдаги №12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 449.322 сўм пул маблағлари, Хатамова Мохибага нафақа тайинлаш комиссиясининг 2016 йил 28 декабрдаги №12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг уч нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 898.650 сўм пул маблағлари, Джумаева Мохикулга 2017 йил 28 ноябрдаги №11-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг икки нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.12.2017 йилдан 01.06.2018 йилгача 718.920 сўм пул маблағлари жами бўлиб 3 та ҳолатда 14 ёшгача болали оилалар нафақаси 2.480.268 сўмлик нафақалар ортиқча тўланганлигини, текширув давомида, икки ёшгача боласи бор оналарга тўланадиган нафақалар ўрганилганда, фуқаро Ёвқочева Шоирага 2017 йил 30 январдаги №1-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 5 ойга, яъни 01.02.2017 йилдан 01.07.2017 йилгача 1.198.200 сўм пул маблағлари, фуқаро Солиева Бахорага 2017 йил 28 апрелдаги 4-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 12 ойга, яъни 01.05.2017 йилдан 01.05.2018 йилгача 3.449.322 сўм пул маблағлари, фуқаро Шодиева Гулхаёга 2017 йил 30 августдаги № 8-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 3 ойга, яъни 01.09.2017 йилдан 01.12.2017 йилгача 898.650 сўм пул маблағлари, фуқаро Эгамқулова Умидага 29.09.2017 йилдаги № 9-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 1 ойга, яъни 2017 йил

май ойида 344.480 сўм пул маблағлари ортиқча тўланиб, жами бўлиб 4 та ҳолатда 6.350.930 сўм пул маблағлари меъеридан ортиқча тўланганлигини, ҳаммаси бўлиб 7 та ҳолатда 8.102.822 сўм миқдорда нафақалар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, бу ҳолатда уни ҳамда “А.Темур” МФЙ раиси Қаршиев Эркин Абдувалиевич ва бандликка кўмаклашиш маркази ходимларининг айби мавжудлигини, у ушбу нафақаларнинг айримларини, яъни Н.Нормуродова, Б.Солиева, М.Хатамова ва У.Эгамкуловаларга нафақа пуллари чиқарилишида “А.Темур” МФЙ раиси Қаршиев Эркин Абдувалиевичнинг илтимосига кўра, ўзининг лавозимидан фойдаланган ҳолда, мезондан ортиқча бўлсада, нафақа пуллари чиқарганлигини, унинг айби билан етказилган зарарни бугунги кунда тўлиқ қоплаганлигини, у қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бошқа ушбу ҳолат такрорланмаслигини инобатга олиб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Судланувчилар Қаршиев Эркин Абдувалиевич ва Мирзаев Хамза Журакуловичлар ўз айбларига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари, уларнинг айблари суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тўлиқ исботланади.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Тилавов Рустам Хатамович ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам у “А.Темур” маҳаллада ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам пулларининг тўғри тайинланиши ва тўланиши юзасидан текшириш ўтказиб, 7 та ҳолатда жами бўлиб 8.102.822 сўм миқдорда нафақалар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, жумладан, фуқаро Нормуродова Нодирага 2016 йил 28 декабрдаги 12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 449.322 сўм пул маблағлари, Хатамова Мохибага нафақа тайинлаш комиссиясининг 2016 йил 28 декабрдаги №12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг уч нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 898.650 сўм пул маблағлари, Джумаева Мохигулга 2017 йил 28 ноябрдаги 11-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг икки нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.12.2017 йилдан 01.06.2018 йилгача 718.920 сўм пул маблағлари жами бўлиб 3 та ҳолатда 14 ёшгача болали оилалар нафақаси 2.480.268 сўмлик нафақалар ортиқча тўланганлигини, текширув давомида, икки ёшгача боласи бор оналарга тўланадиган нафақалар ўрганилганда, фуқаро Ёвқочева Шоирага 2017 йил 30 январдаги 1-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 5 ойга, яъни 01.02.2017 йилдан 01.07.2017 йилгача 1.198.200 сўм пул маблағлари, фуқаро Солиева Бахорага 2017 йил 28 апрелдаги 4-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 12 ойга, яъни 01.05.2017 йилдан 01.05.2018 йилгача 3.449.322 сўм пул маблағлари, фуқаро Шодиева Гулхаёга 2017 йил 30 августдаги 8-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 3 ойга, яъни 01.09.2017 йилдан 01.12.2017 йилгача 898.650 сўм пул маблағлари, фуқаро Эгамкулова Умидага 29.09.2017 йилдаги 9-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 1 ойга, яъни 2017 йил май ойида 344.480 сўм пул маблағлари ортиқча тўланиб, жами бўлиб 4 та ҳолатда 6.350.930 сўм пул маблағлари меъеридан ортиқча тўланганлигини, ҳаммаси бўлиб 7 та ҳолатда 8.102.822 сўм миқдорда нафақалар ортиқча тўланганлиги

аниқланганлигини, бу ҳолатда раис Э.А.Қаршиев ва собиқ котиб Х.Ж.Мирзаев ва бандликка кўмаклашиш маркази ходимларининг айби мавжудлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги 44-сонли қарорига асосан болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш фуқаронинг берган аризасига кўра уч босқичда кўриб чиқилишини, биринчи босқичда махсус комиссия фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этган маълумотлар асосида оиланинг аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдорини аниқлашини, агар оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган миқдордан кам бўлса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириш санасини белгилашини, иккинчи босқичда махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини ўрганиб чиқишини, шундан кейин тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги хулосани фуқаролар йиғинига ёки комиссияга киритишини, далолатномани тузишдан олдин ариза берган фуқаронинг оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад ҳисоблаб чиқилишини, агар оила аъзоларининг жами даромади энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган тақдирда нафақа тайинлаш тўғрисида хулоса берилишини, учинчи босқичда махсус комиссиянинг хулосаси инobatга олинган ҳолда, ариза тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғини ёки Комиссия томонидан кўриб чиқилишини, комиссия ижобий қарор қабул қилганидан сўнг нафақа ва моддий ёрдам фуқаролар йиғини ёки Комиссиянинг қарори баённомаси асосида тўланиши ҳамда нафақа ва моддий ёрдам тўлашга ведомость тузилишини, ведомостлар туман ҳокимлигининг молия бўлимига юборилиши ва шу асосда нафақа ва моддий ёрдам пуллар тўлаб борилишини, туман Бандликка кўмаклашиш маркази инспектори Ф.Мавлянов фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинланган 7 та ҳолатдан 2 тасида “оиланинг мулкий ҳолатини ўрганиш далолатномаси”ни тузишда махсус комиссия таркибида иштирок этиб 4.792.800 сўмлик, марказ инспектори К.Мамаев 2 ҳолатда 1.347.972 сўм ҳамда инспектор А.Туйчиев 3 ҳолатда 1.962.50 сўмлик нафақалар тайинланишида иштирок этганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Мавлянов Фируз Шухратович ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам “А.Темур” маҳаллада ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам пулларининг тўғри тайинланиши ва тўланиши юзасидан текшириш ўтказилганлигини ва 7 та ҳолатда жами бўлиб 8.102.822 сўм миқдорда нафақалар асоссиз равишда тўланганлиги аниқланганлигини, у мазкур 7 та ҳолатдан 2 тасида фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам пуллари тўланишида махсус комиссия таркибида нафақа олувчиларнинг моддий ва мулкий ҳолатини ўрганишда иштирок этганлигини, жумладан, фуқаро Солиева Бахоранинг аризасига асосан 2017 йил апрель ойида унинг моддий ва мулкий ҳолати ўрганилиб, унинг оиласи эҳтиёжманд эканлиги тўғрисида, худди шундай фуқаро Явқочева Шоиранинг

аризасига асосан 27.01.2017 йилда унинг моддий ва мулкӣ ҳолати ўрганилиб, унинг оиласи эҳтиёжманд эканлиги тўғрисида далолатнома тузилганлигини, мазкур далолатномалар асосида фуқаро Солиева Бахорага 2017 йил 28 апрелдаги 4-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 12 ойга, яъни 01.05.2017 йилдан 01.05.2018 йилгача 3.549.600 сўм пул маблағлари ҳамда, Явқочева Шоиранинг унинг бир нафар фарзанди учун 12 ойга, яъни 01.02.2017 йилдан 01.07.2018 йилгача 1.198.200 сўм давлат бюджет маблағлари асоссиз равишда тўланганлиги аниқланганлигини, бугунги кунда давлат бюджетига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Мамаев Камолиддин Хусанович ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам “А.Темур” маҳаллада ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам пулларининг тўғри тайинланиши ва тўланиши юзасидан текшириш ўтказилганлигини ва 7 та ҳолатда жами бўлиб 8.102.822 сўм миқдорида нафақалар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, жумладан, фуқаро Нормуродова Нодирага 2016 йил 28 декабрдаги № 12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 449.322 сўм пул маблағлари, Хатамова Мохибага нафақа тайинлаш комиссиясининг 2016 йил 28 декабрдаги 12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг уч нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 898.650 сўм пул маблағлари тўланганлигини, текширув давомида, икки ёшгача боласи бор оналарга тўланадиган нафақалар ўрганилганда, Нормуродова Нодирага 2016 йил 28 декабрдаги №12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг бир нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 449.322 сўм пул маблағлари, Хатамова Мохибага нафақа тайинлаш комиссиясининг 2016 йил 28 декабрдаги №12-сонли йиғилиш қарорига асосан унинг уч нафар фарзанди учун 6 ойга, яъни 01.01.2017 йилдан 01.06.2017 йилгача 898.650 сўм пул маблағлари ортиқча тўланиб, жами бўлиб, 2 та ҳолатда 1.347.972 сўм пул маблағлари меъёридан ортиқча комиссия аъзолари билан биргаликда тайинлаганлиги аниқланганлигини, бу ҳолатда раис Э.А.Қаршиев, собиқ котиб Х.Ж.Мирзаев, Н.Муқимова, Ф.Тошов ҳамда унинг ҳам айби мавжудлигини, унинг айби билан етказилган зарарни бугунги кунда тўлиқ қоплаганлигини, бошқа ушбу ҳолат такрорланмаслигини, у юқорида номлари кўрсатилган фуқароларга тайинлаган моддий ёрдам, икки ва ўн тўрт ёшгача нафақа пулларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги 44-сонли Қарори талабларидан ортиқча эканлигини билган бўлсада, бу ҳолатда уни ва “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э.А.Қаршиев, собиқ котиб Х.Ж.Мирзаев, Н.Муқимова ҳамда Ф.Тошовларнинг айби мавжудлигини, улар ушбу нафақаларнинг айримларини, яъни Н.Нормуродова, ҳамда М.Хатамоваларга нафақа пуллари чиқарилишида уларнинг оилавий шароитларини эътибор билан тўлиқ ўрганмасдан, ўзининг лавозимидан фойдаланган ҳолда, мезондан ортиқча бўлсада, нафақа пуллари чиқарганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Хасанов Баҳром Хатамович ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам 2011 йилдан буён Тошмаматова Шахноза билан қонуний никоҳ асосида яшаб келишини, турмуши давомида 3 нафар фарзандли бўлганлигини, катта фарзанди 2012 йилда туғилган Хатамов Асадбек, ўртанчиси 2014 йилда туғилган Хатамов Давронбек ва кенжа ўғли 2018 йилда туғилган Хатамов Ботирлар бўлишини, турмуш ўртоғи уйда фарзандлар тарбияси билан шуғулланишини, у усточилик қилиб қурилиш ишларини бажариб пул ишлашини, молиявий аҳволи оғир бўлганлиги боис турмуш ўртоғи Шахноза катта ўғли ҳамда ўртанчисига 16 ёшгача нафақа пули олиш учун 2018 йил апрель ойининг бошида “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қаршиев Эркинга учрашиб, хужжатларни топширганлигини, шу билан апрель ойининг 10-15 кунда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э.Қаршиевнинг ўзи эрталаб соат 07:30 ларда келиб, нафақа пули тайинлаш учун ҳаражати борлигини айтиб, шахсан ундан 100.000 сўм пулни турмуш ўртоғининг гувоҳлигида олиб кетганлигини, бироқ орадан 6 ой ўтган бўлсада нафақа пули чиқариб бермасдан келганлигини, шундан сўнг турмуш ўртоғи маҳалла раиси Қаршиев Эркинга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб 2018 йил 13 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасига мурожаат қилганлигини, унинг мурожаати асосида Департаментнинг Оқдарё туман бўлими ходимлари томонидан “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э.Қаршиев билан бўлган суҳбатни ёзиб олиш мақсадида 2018 йилнинг 20 ва 21 сентябрь кунлари диктофон овоз ёзиш мосламаси берилганлигини, шундан сўнг, 2018 йил 24 сентябрь куни “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э.Қаршиев турмуш ўртоғига ундан нафақа пули чиқариб бериш эвазига олган 100.000 сўмдан 95.000 сўмини қайтариб берганида Департамент ходимлари томонидан ушбу ҳолат аниқланиб, хужжатлар расмийлаштирилганлигини, Оқдарё тумани “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қаршиев Эркин фарзанди учун 16 ёшгача бўлган нафақа пули чиқариб эвазига 100.000 сўм пулларни 2018 йил апрель ойида яшаш хонадонидан, ундан олиб кетганлигини, Э.Қаршиев 100.000 сўм пулни нафақа пули чиқариш учун ўзининг ҳаражати бор деб олганлигини, бироқ, ушбу пулларни бирор кишига беришлиги тўғрисида айтмаганлигини, ҳозирги кунда судланувчи Э.Қаршиевга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Тошмаматова Шахноза Шомуродовна ўзининг кўргазмасида судда сўралган гувоҳ Хасанов Баҳром Хатамовичнинг кўрсатмаларини тасдиқлаб, унга ўхшаш кўрсатма берди.

Судланувчилар Қаршиев Эркин Абдувалиевич ва Мирзаев Хамза Журакуловичларнинг айби шунингдек, жиноят ишининг дастлабки суриштирув ва тергов хужжатлари билан, яъни

2018 йил 08 август кунидаги Оқдарё туман ҳокимлиги Молия бўлими мутахасиси томонидан “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган текшириш далолатнома (ишнинг 7-12-варақалари),

2018 йил 20 сентябрь кунидаги оғзаки аризани қабул қилиш баённомаси (ишнинг 172-варағи),

2018 йил 20 сентябрь кунидаги диктофон бериш ҳақида баённомаси (ишнинг 173-варағи),

2018 йил 20 сентябрь кунидаги диктофонни қайтариб олиш ҳақида баённомаси (ишнинг 174-варағи),

2018 йил 24 сентябрь кунидаги ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақида баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал (ишнинг 177-181-варақалари) ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Оқдарё туман прокуратураси ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Б.Шодиевнинг 2018 йил 27 ноябрь кунидаги қарорига кўра, жиноят ишининг Н.Мукимова ва Б.Хасановларга оид қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилган.

Шунингдек, ушбу қарор билан Ф.Мавлянов, К.Мамаев, А.Туйчиев, Ф.Тошев ва Ш.Бурхоновларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят ишининг уларга нисбатан бўлган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 11-бандидаги,

“Тамагирлик-мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш демакдир” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган ҳолда,

Суд, судланувчи Қаршиев Эркин Абдувалиевичнинг бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани растарата қилиш ва тамагирлик йўли билан пора олишда ифодаланган жинойий ҳатти-ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари ва 210-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Мирзаев Хамза Журақуловичнинг бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб ўзганинг мулкани растарата қилишда ифодаланган жинойий ҳатти-ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Қаршиев Эркин Абдувалиевичнинг содир қилган жиноятини қасддан содир этилган оғир жиноят деб ҳисоблаб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилалик бўлиб, қарамоғида 3 нафар фарзандлари борлигини, етказилган моддий зарарни тўлиқ бартараф қилганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир қилганлигини унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этади.

Суд, судланувчи Мирзаев Хамза Журақуловичнинг содир қилган жиноятини қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилалик бўлиб, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, етказилган моддий зарарни тўлиқ бартараф қилганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътиборга олади.

Суд, судланувчи Қаршиев Эркин Абдувалиевичга нисбатан жазо турини ҳамда меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги № 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 26-бандидаги,

“Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, судланувчи Э.А.Қаршиев томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини инobatга олишни, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарларни тўлиқ бартараф қилганлигини инobatга олиб, қонунда шу жиноят учун белгиланган доирада жазо тайинлашликни ва жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашликни лозим деб топади.

Суд, судланувчи Мирзаев Хамза Журақуловичга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 май кундаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги №4-сонли Қарорининг 9-бандидаги,

“Судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра: ЖК 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади. Шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шарт”лиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, мазкур жиноят иши юзасидан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли судланувчи Мирзаев Хамза Журақуловичга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 18-бандидаги,

“Ахлоқ тузатиш ишлари меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда тайинланади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, судланувчи Мирзаев Хамза Журақуловичнинг жиноятни содир этишдаги ҳаракати, жиноятининг ижтимоий хавфлилигини инобатга олишни, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд бўлганлиги сабабли, қонун санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни лозим деб топади.

Шунингдек, судланувчилар Қаршиев Эркин Абдувалиевич ва Мирзаев Хамза Журақуловичларга ушбу жиноятни иш фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолатда содир этганликлари учун уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан, яъни фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш тизимларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишликни лозим деб топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона DVD дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашликни ва 95.000 сўм пулларни ҳукм қонуний кучга киргач Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211-моддасига асосан пора предмети сифатида давлат фойдасига ўтказишликни лозим деб топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 453-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,-

Ҳ У К М :

Судланувчи **Қаршиев Эркин Абдувалиевич** (Qarshiyev Erkin Abduvaliyevich), Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари ва 210-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Қаршиев Эркин Абдувалиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан, ЖК 45-моддасини қўллаган ҳолда муддати 1(бир) йилга муайян ҳуқуқдан, яъни фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш тизимларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойда иш ҳақи даромадларининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда муддати 2(икки) йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Қаршиев Эркин Абдувалиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, ЖК 45-моддасини қўллаган ҳолда муддати 1(бир) йил 6(олти) ойга муайян ҳуқуқдан, яъни фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш тизимларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, муддати 5(беш) йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Қаршиев Эркин Абдувалиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 59,61-моддаларига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб, суд томонидан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташлик учун узил-кесил муддати 2(икки) йилга муайян ҳуқуқдан, яъни фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш тизимларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, муддати 5(беш) йил 3(уч) ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин ва жазони ўташ муддати 2019 йил 22 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи **Мирзаев Хамза Журақулович** (Mirzayev Hamza Juraqulovich), Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Мирзаев Хамза Журақуловичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, ЖК 45-моддасини қўллаган ҳолда муддати 1(бир) йилга муайян ҳуқуқдан, яъни фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш тизимларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан муҳрум қилиниб, ҳар ойда иш ҳақи даромадларининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда муддати 2(икки) йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўз иш жойи, яъни Оқдарё туман Халқ таълимига қарашли 23-сонли умумтаълим мактабида ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш Оқдарё туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари алоҳида-алоҳида ижро қилинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган 95.000(тўқсон беш минг) сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргач давлат фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ўн сутка ичида, судланганлар Э.А.Қаршиев ва Х.Ж.Мирзаевлар ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция шикояти ёки апелляция протести беришга, ушбу муддат ўтгач кассация шикояти ва кассация протест бериш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Раислик этувчи судья:

И.Дониёров